



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

**КУН
ҲИКМАТИ**

Нафсни
тийиш - бу кўп
емаслик, кўп
сўрамасликкина
эмас, балки ҳар
хил истакларга
изн бермаслик
ҳам

2022-yil 3-dekabr, shanba,
142 (23.707)-son

Zarrafshon



O'ZBEKISTON-ROSSIYA BIZNES-FORUMI
УЗБЕККО-РОССИЙСКИЙ БИЗНЕС-ФОРУМ
Samarqand, 2022-yil 1-2-dekabr 1-2 dekabr 2022 goda, Samarqand



Тезликни чеклаш, лотин ёзувида ўтиш, аёлларга "ҳимоя ордери"

Депутатлар галдаги сессияда шу каби масалаларни муҳокама қилди

2 декабрь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг етмиш еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Кенгаш депутати Ф.Ташев бошқарди.

Дастлаб вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Ш.Бойхўровнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилишича, вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари, шу жумладан, оғир оқибатли, ўлим билан боғлиқ ҳамда болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида профилактик тарғибот ва рейд-тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Тезлик билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида вилоят ҳудудидан ўтувчи халқаро ва давлат аҳолиятидаги автомобиль йўлларида тезликни ўлчовчи мосламалар ўрнатилган 10 та автомашина имкониятларидан фойдаланилмоқда.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2022 йилнинг ўтган 10 ойида вилоят ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 85 тага камайди, - деди Ш.Бойхўров. - Аммо битта бўлса ҳам ЙТХ содир этилиши, бунинг оқибатида одамларнинг ҳалок бўлиши ёки жароҳат олиши кимнингдир оиласига ғам-андух кирганидан далолат. Таҳлилларимизда аён бўлишича, йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти тезликни ошириш оқибатида келиб чиқапти. Масалан, 285 та йўл-транспорт ҳодисаси айнан шу қоидабузарлик билан боғлиқ. Оқибатда 88 киши ҳалок бўлган, 219 киши жароҳатланган.

Шунинг учун вилоят ҳудудидан ўтувчи асосий автомобиль йўллари ва кўчаларида чекланган юқори тезликни 60 км/соат этиб белгилаш зарурати юзага келди. Депутатлар ушбу долзарб масалада сўз юритиб, тизимдаги айрим камчиликларни танқид қилди. ИИБ ЙТХБ фаолиятида сифат ва самарадорликни ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Сессия ишида шунингдек, вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.Темиров вилоятда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига бошқичма-бошқич ўтиш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисобот берди.

Ш.Темировнинг маълум қилишича, 2023 йил 1 январдан ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда иш юритиш ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти тўлиқ жорий этиш белгиланган. Шунинг учун ҳозирги вақтда

ҳокимликлар ходимлари учун ҳафтада бир кун Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқиш ва малага ошириш маркази Самарқанд ҳудудий бўлинмаси етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси бўйича ўқув машғулоти олиб борилмоқда. Вилоятдаги барча бошқарма, ташкилот, муассаса ва идораларда лотин ёзувини ўрганиш бўйича зарур тавсиялар берилган.

Шундан сўнг депутатлар вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ж.Раббимовнинг "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ва белгиланган вазифалар тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

Таъкидлашича, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда 2022 йил баҳор мавсумида 10 миллион 293 минг туپ манзарали ва мевали дарахт, бута кўчатлари экилган. Урганишларга қўра, экилган кўчатларнинг 1,2 фоизи қуриган. Бу ҳолатга йўл қўйган 63 нафар мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан 190 миллион 500 минг сўм маъмурий жарима қўлланилган.

Депутатлар лойиҳа ўта долзарблиги, ҳудудларни яшилликка бурқаш учун экилган кўчатларнинг сифатли парварши қилиниши, суғориш йўллари тизими ташкил этилиши бўйича ўз таклифларини билдирилди.

Сессияда шунингдек, вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари - хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Едгорованин хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилишича, жорий йилнинг ўн ойи давомида вилоят бўйича таъйин ва зўравонликдан жабрланган 1309 нафар аёлга "ҳимоя ордери" берилиб, зўравонлик содир этган шахслар устидан назорат ўрнатилган. "Ҳимоя ордери" расмийлаштирилган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш натижасида 724 оила яраштирилган ва 582 та нисонинг сабаблари бартаф этилган. 76 та "ҳимоя ордери" такроран берилган, ўрнатилган чекловларга амал қилмасдан, ўзи учун тўғри хулоса чиқармаган 192 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Депутатлар кўтарилган масала юзасидан ўз таклифларини билдирди. Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги комиссиясининг регламенти тасдиқлаш, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси таркибига ўзгартириш қиритиш, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 2 мартдаги "Вилоят маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қарорига ўзгартириш қиритиш, вилоят маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан самарали фойдаланиш каби масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ҲУКУМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

Самарқанд шаҳрида 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумат раҳбарлари даражасидаги қўша комиссиянинг 3-мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Михаил Мишустин раислигида ўтган йўналишда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Жорий йилнинг 15 сентябрда Президентлар – Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин томонидан Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация имзолангани таъкидланди.

Ҳукуматлар олдида турли соҳаларда амалий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси қўйилган.

Мажлисда истиқболли сарможий лойиҳалар ва савдо шартномаларининг амалга оширилишини таъминлаш ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорликни чўқурлаштириш режалари келишиб олинди.

Кейинги беш йилда Ўзбекистонда Россия сарможиси иштирокидаги корхоналар сони уч баравар кўпайиб, қарийб уч мингтага етди. Биргина жорий йилда 700 та корхона ташкил этилди. Ўз навбатида Россияда ҳам ўзбек капитали иштирокида мингга яқин корхона



фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда давлатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва озик-овқат саноати, фармацевтика, электротехника ва машинасозлик соҳаларида саноат кооперацияси ривожланмоқда.

Томонлар транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги билдирилди. Жорий йилда юк ташиш ҳажми 21 фоизга ошган, бунда транзит юк ташишлар салмоғи 25 фоизга кўпайгани мамнуният билан қайд этилди. Шу билан бирга, ҳудудлар орқали транзит юк ташишда ишончли транспорт-логистика занжирларини шаклланти-

риш бўйича ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Таълим ва илм-фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистонда Россиядаги олий таълим муассасаларининг 14 та филиали фаолият юритмоқда.

Мажлис якунига қўра, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ўндан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Қўша мажлис доирасида Самарқандда Ўзбекистон – Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки давлат вазирлик ва идоралари, минтақалари, тармоқ бирлашмалари ва уюшмалар раҳбарлари, шунингдек, 500 дан ортиқ етакчи компания ҳамда корпорациялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Михаил Мишустин форум ишида қатнашиб, сўзга чиқди. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг янги даври бошлангани қайд этилди.

Ҳукуматлар раҳбарлари Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" номли кўرғазмада қатнашди.

Кўрғазмада мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат, чарм-пойабзал, электротехника, кимё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, шунингдек, заргарлик буюмлари намойиш этилди.

САМАРҚАНД ГЛОБАЛ ФОРУМ МЕЗБОНИ



GLOBAL FORUM ON
HUMAN RIGHTS
EDUCATION

Жорий йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" мавзусидаги Глобал форум ўтказилади.

Унда дунёнинг турли давлатларидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим мутахассислари, хорижий ва халқаро экспертлар, давлат органлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, ихтисослаштирилган таълим муассасалари, нодавлат ноотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Глобал форумнинг "БМТ-нинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси: натижалар ва замонвий муаммолар" мавзусига бағишланган биринчи ялпи мажлисида инсон ҳуқуқлари бўйича самарали таълимни таъминлаш тамойиллари ва ёндашувлар, технологик ўзгаришлар негизида эришилган ютуқлар ва олинган сабақлар, дунёнинг турли бурчакларида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида мавжуд замонвий муаммолар муҳокама қилинади.

Форумнинг иккинчи куни "Халқаро, минтақавий ва миллий

даражада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш" мавзусида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш бўйича халқаро, минтақавий ва миллий даражаларда фикр алмашиниб, тавсиялар ишлаб чиқилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича махсулот сабоқлари ташкил этилади.

Глобал форум якунида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича якуний ҳужжат қабул қилиниши кўзда тутилган.

(2-3 саҳифаларда ўқинг). >>>



"BESH TASHABBUS OLIMPIADASI": yengil atletika bo'yicha respublika bosqichi g'oliblari aniqlandi

Samarqand shahridagi "Afrosiyob arena" sport majmuasida "Besh tashabbus olimpiadasi"ning ikkinchi mavsumi doirasida yengil atletika bo'yicha "A" liga bahslarining respublika bosqichi bo'lib o'tdi.

Ishtirokchilar Samarqand temiryo'l vokzalida tantanali kutib olingach, Amir Temur haykali poyiga gullar qo'yildi. Shuningdek, shahar bo'ylab sayohat tashkil etildi.

Musobaqaning ochilish marosimida Sportni rivojlantirish vaziri A.Ikromov ishtirok etib, "Besh tashabbus olimpiadasi" mahalla yoshlari o'rtasida ommalashib borayotgan va iqtidorli o'g'il-qizlarning qobiliyatini namoyish etishda katta imkoniyat yaratayotganini ta'kidladi.

Shundan so'ng respublikamizning 14 hududidan kelgan 252 nafar qatnashchi uchta - 16-21, 22-26, 27-30 yosh toifasida bellashdi. Ikki kun davom etgan musobaqada har bir jamoadan 3 nafar o'g'il 400 metr, 3 nafar xotin-qiz 300 metr masofaga estafeta shaklida yugurdi.

Yakuniy natijalarga ko'ra, 16-21 yosh toifasidagi xotin-qizlar o'rtasida Paxtachi tumanidagi Bog'oloni mahallasi jamoasi g'oliblikni qo'lga kiritdi. Yigitlar o'rtasidagi bahsda Qashqadaryo viloyati Shahrisabz tumanining Chorshanba mahallasi yoshlari-ga teng keladigani topilmadi.

22-26 yosh toifasidagi bellashuvlarda ham qashqadaryolik xotin-qizlar birinchi bo'ldi. Yigitlar bahsida esa g'oliblik xorazmlik yoshlarga nasib etdi.

27-30 yoshlilar o'rtasidagi bahsda navoiylik xotin-qizlar, erkaklar bellashuvda andijonliklar jamoasi g'olib bo'ldi.

Fazliddin RO'ZIBOYEV.

